

IFRS” HOMLI
KONFERENCIYA

CONFERENCE “GLOBAL AND NATIONAL ECONOMIC

TRENDS”

2nd FORUM OF
DEVELOPMENT
STRATEGY:
GLOBAL AND
NATIONAL
ECONOMIC
TRENDS



TASHKENT STATE
UNIVERSITY OF ECONOMICS

ЙЎНАЛИШ: ГЛОБАЛ
ИҚТИСОДИЁТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА
ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАР
“Глобал ва миллий
иқтисодий трендлари”

ERENCE

19-20
OCTOBER

ФОРУМ

PARALLEL CONFERENCES
“NEW2AN, ICFNDS
AND ICDSIS”

2nd FORUM OF
DEVELOPMENT
STRATEGY:
GLOBAL AND
NATIONAL
ECONOMIC
TRENDS

NEW2AN, ICFNDS AND ICDSIS”

CONFERENCE
“IFRS”

GLOBAL
ECONOMIC
TRENDS”
2nd FORUM OF
DEVELOPMENT
STRATEGY:
GLOBAL AND
NATIONAL

“IFRS”

HOMLI

МЛМ
ИЦМЯ

2nd FORUM OF
DEVELOPMENT
STRATEGY:

MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI

2023

ILMIY ELEKTRON JURNAL

MAXSUS SON

ФОРУМ

19-20 OCTOBER

PARALLEL CONFERENCES

“NEW2AN, ICFNDS

AND ICDSIS”

РАҚАМЛИ ИҚТИСО
АХБОРОТ ТЕХНОЛ
ВА ТАЪЛИМНИНГ
ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎН
“NEW2AN, ICFNDS,
номли параллель
конференциялар

- Macroeconomic Stability
- Social Welfare
- Human Capital
- Decent Employment
- World Economy
- Gender Equality
- Industry 4.0
- Sustainable Agriculture



MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI

<https://laboreconomics.uz>



MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI 2023-yil Maxsus son

ЭКОНОМИКА ТРУДА И ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ

LABOR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL

laboreconomics.uz

“**Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali**” ilmiy elektron jurnali O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi (OAK) rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 328/3-sonli qarori bilan ro‘yxatga olingan.
Muassis: “Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy maktabi.

Tahririyat manzili:
100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko‘chasi, 49-uy.
Elektron manzil: ilmiymaktab@gmail.com
Jurnal web-sayti: www.laboreconomics.uz
Bog‘lanish uchun telefonlar:
+998 (99) 881-86-98.

TOSHKENT-2023

EDITORIAL BOARD | TAHRIRIYAT KENGASHI

Tahririyat Kengashi raisi: (Chairman of the Editorial Board)

Abdurahmanov Qalandar Xodjayeovich, O‘zFA akademigi

Tahririyat Kengashi a‘zolari: (Members of the Editorial Board)

Toshqulov Abduqodir Hamidovich,
i.f.d., prof.

Yusupov Axmadbek Tadjiyevich,
i.f.d., prof.

Sharipov Kongratboy Avezimbetovich,
t.f.d., prof

Raifkov Kudratilla Mirsagatovich,
i.f.d., prof

Xalmuradov Rustam Ibragimovich,
i.f.d., prof

Umurzakov Baxodir Xamidovich,
i.f.d., prof.

Nazarov Sharofiddin Xakimovich,
i.f.d., prof.

Jumayev Nodir Xasiyatovich,
i.f.d, prof.

Abduraxmanova Gulnora Kalandarovna,
i.f.d., prof.

Eshov Mansur Po‘latovich,
i.f.d., prof.

Zokirova Nodira Kalandarovna,
i.f.d.. prof.

Xudoyberdiyev Zayniddin Yavkachevich,
i.f.d., prof.

Muxiddinov Erkin Madorbekovich,
i.f.f.d., (PhD)

Xolmuxammedov Muhsinjon Murodullayev,
i.f.n., dots.

Amirov Lochinbek Fayzullayevich,
i.f.f.d., (PhD), dots.

G‘oyipnazarov Sanjar Baxodirovich,
i.f.f.d., (PhD), dots.

Shakarov Zafar Gafarovich,
i.f.f.d., (PhD)

Jamoatchilik Kengashi a‘zolari:
(Community Council members)

Bred Bodenzauzen (AQSh)

Jon Ankor (Buyuk Britaniya)

Odegov Yuriy Gennadevich
(Rossiya Federasiyasi)

Keynz Miller (AQSh)

Sung Dong Ki (Koreya Respublikasi)

Masato Xivatari (Yaponiya)

Gerxard Feldmayer (Germaniya)

Eko Shri Margianti (Indoneziya)

Ahmed Mohamed Aziz Ismoil (Misr)

Rohana Ngah (Malayziya)

Sharifah Zanniyerah (Malayziya)

Teguh Dartanto (Indoneziya)

Nur Azlinna (Saudiya Arabistoni)

Muhammed Xoliq (Pokiston)

Alisher Dedaxonov (Toshkent)



Mas‘ul muxarrir (Editor-in-Chief):

G‘oyipnazarov Sanjar Baxodirovich

Veb-administrator (Web admin):

Musayev Xurshid Sharifjonovich



MUNDARIJA (CONTENTS)

MEHNAT BOZORI VA MEHNAT MUNOSABATLARI

Q.X. Abdurahmonov S.B. G'oyipnazarov	Сунъий интеллектни жорий этиш натижасида меҳнат бозоридаги ўзгаришлар	6–12
R.I. Nurimbetov A.M. Ismailov	O'zbekiston iqtisodiyoti tarmoqlari rivojlanishi va aholi bandligini manfaatdorlik indeksi asosida baholash	13–21
N.T. Shayusupova S.S. Amirdjanova	Прогнозирование макроэкономических показателей роста экономики и занятости населения республики	22–29
I.A. Bakiyeva	Тошкент вилоятида ишсизларни замонавий касб-ҳунарга ўқитишни самарали ташкил этиш йўллари	30–34
S.I. Sotnikova	Наемный труд: институциональные эффекты неравновесной экономики .	35–41
A.S. Usmanov M.A. Bahridinova	Qashqadaryo viloyatida bandlikning tarmoq tuzilishidagi o'zgarishlar va uning aholi turmush farovonligiga ta'siri	42–48
X.F. To'xtayeva	Туристик хизматлар бозорида бандликни тартибга солиш ва бошқариш бўйича илғор хорижий тажрибалар	49–56
B.Z. Ganiyev	O'zbekiston hududlarida bandlikning iqtisodiy o'sishga nisbatan elastikligi tahlili	57–61

INSON RESURSLARINI BOSHQARISH

S. Sotnikova N. Sotnikov	Ecology of the employee's career based on the concept of time management .	62–70
A.N. Turayev B.B. Suvonov	Направления развития анализа затрат труда в хозяйствующих субъектах	71–76
B.B.Suvonov	Зарубежный опыт анализа показателей затрат труда в хозяйствующих субъектах	77–82
Z.M. Xasanova	Enhancing economic education and human resources management: a study of innovative approaches in Uzbekistan's higher education institutions	83–91
R.R. Oqmullayev	Инсон ресурсларини бошқариш — олий таълим муассасаларининг глобал рақобатбардошликка эришиш омили	92–102
B.B. Mardonov	Xizmat ko'rsatish sohasida kadrlar salohiyatini baholash	103–108
M.Sh. Xaydarova	Использование искусственного интеллекта в управлении человеческими ресурсами	109–123

INSON KAPITALI

A. Zikriyoyev D. Khojamqulov M. Raimjanova N. Turayev A. Abdullayev	Human capital development in the context of health and safety regulation: policy analysis in construction industry	124–138
A. Zikriyoyev M. Farmonova Ch. Keldiyorova D. Nekboyev O. Murodova	Orientation / induction day as a remedy for human capital investment at higher education	139–150
A.S. Boltayev Y.M. Otaboyev	The impact of health and education expenditure on economic growth in case of Uzbekistan	151–163
O.A. Eshbayev	Strategic integration of emerging technologies in engineering education: a holistic approach to cultivate human capital for the digital economy	164–169

A.O. Jumanov R.A. Omirzakov	Innovative environmental education in higher education: fostering sustainable mindsets for a greener future	170–175
I.Sh. Khadjiyeva	School climate quality and education quality: evidence from 15 worst performing nations at PISA 2018	176–187
M.O. Kurolov	Leveraging digital healthcare marketing strategies to enhance social welfare through human capital development	188–192
M. Numanova F. Khakimov	Priorities for the development of national human capital in the economy	193–198
M.X. Xo‘jayeva	Properties of innovative activity in the education system of Uzbekistan	198–203
H.T. Yaxshiyev	Mehmonxona hamda restorani biznesi faoliyati tushunchasi va mohiyati	204–206
X.B. Nasriddinov	O‘quvchilarning kreativ fikrlashini rivojlantirishda ta‘lim metodlaridan foydalanish	207–210
Sh.Y. Sharobiddinov	Investing in human capital: a comparative analysis of democratic and authoritarian regimes	211–220
Z.M. Xasanova	Comparative analysis of innovative education management strategies for economic education and green development: lessons from foreign countries	221–228
S.R. Xolbayeva	Трансформация системы подготовки кадров в целях повышения эффективности функционирования человеческого капитала в экономической системе	229–238
INSON TARAQQIYOTI		
Sh.U. Jo‘rayeva	Socio-economic significance and analysis of the standard of living of the population	239–244
N.M. Khazratkulova	The impact of inter-budgetary relations on regional growth and the standard of living of the population of the regions (on the example of the republic of Uzbekistan)	245–250
KAMBAG‘ALLIKNI QISQARITRISH		
G.Q. Abduraxmonova M.X. Fayziyeva Sh.Q. Xoliyorova	O‘zbekiston davlat ijtimoiy himoya tizimini mustahkamlashda raqamli rivojlanishning o‘rni	251–261
GENDER TENGLIK		
G.Q. Abruraxmonova N.U. Khalimjonov	Gender inequality in labour market	262–268
MUNOSIB MEHNAT		
Sh.X. Raxmatullayeva	Milliy korxonalarda mehnat samaradorligining muhim ko‘rsatkichlarini baholash tizimini imkoniyatlari	269–275
Z.U. Usmonov	Ko‘zi ojiz shaxslarni ish bilan ta‘minlashning obyektiv zarurligi	276–283
TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH		
L.F. Amirov	Современные тенденции развития аграрного сектора Республики Узбекистан	284–293
I. Khotamov A. Kasimov Y. Najmiddinov G. Yuldashev	The current importance of alternative energy and renewable energy in Uzbekistan	294–317
Z.T. Abdurakhmanova	Factors affecting sustainable agriculture and food production in Uzbekistan	318–328
J.X. Ishanov	Determination of hydraulically acceptable length of drip irrigation pipe	329–334

U.Sh. Duskobilov	Influence of monetary policy instruments on macroeconomic stability during the transition to inflation targeting in Uzbekistan	335–342
Sh.D. Ergashkhodjayeva E.Y. Khojiyev	The EU’s generalised system of preferences: impact on foreign trade of domestic products	343–348
O.A. Eshbayev	Exploring synergies: redefining engineering education management for industry 4.0 in the digital economy era	349–354
H.B. Haydarov	O‘zbekistonda makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlashda xorijiy investitsiyalarning tutgan o‘rni	355–361
M.R. Khidirova	Improving the efficiency of corporate governance based on the modeling of agricultural machinery enterprises	362–369
B.N. Ishniyazov	Analysis of the activities of innovation of the agricultural sector of our country	370–374
N.N. Ismoilov	Implementing SDGS (sustainable development goals) in small business entities	375–380
N.S. Karimova	O‘zbekistonda klasterlar faoliyatini tashkil etish mexanizmi	381–385
M.R. Khayitova	The essence of green loans in a global unstable environment	386–391
S.B. Maxmudov	Milliy iqtisodiyotda eksport amaliyotiga ta’sir etuvchi omillarni ekonometrik tahlilini baholash	392–401
Y.F. Najmiddinov	Initial efforts to develop green energy and green growth in Uzbekistan	402–407
Ch.G. Nosirova	Developing sustainable pathways for textile product exports: a green strategy approach to enhance social welfare	408–415
N. Khalimjonov P. Allayarov	The gravity trade model for Uzbekistan	416–424
D. Usmonova	Evaluating the role of marketing strategies in fostering the growth of viticulture enterprises for achieving sustainable agricultural development	425–431
МАКРОИҚТИСОДИЙОТ		
A. Valiyeva	Assessing the impact of sustainable agricultural practices on legume market dynamics: a comprehensive marketing research analysis	432–440
V.K. Yarashova	The mutual influence of transport on macroeconomic indicators in Uzbekistan	441–447
M.S. Yusupov G.T. Ismoilova	Oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarish zanjirida agrosanoat klasterlarining ahamiyati va rivojlantirish imkoniyatlari	448–459
M.T. Abdurahmanova M.M. Ismailova	Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг хориж тажрибасини такомиллаштириш	460–465
N.B. Achilova	Сущность и значение национального брендинга стран в условиях глобализации	466–474
J.N. Bayisbayev	Мамлакатимизнинг тадбиркорлик субъектларини ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлашдаги иштироки	475–481
A. Valiyeva	Оценка роли устойчивых методов ведения сельского хозяйства в повышении конкурентоспособности рынков бобовых: глобальный маркетинговый анализ	482–490
F.R. Bobobekov	Мақроқиқтисодий барқарорлик шароитида факторингга таъсир этувчи омиллар	491–497
D.B. Xajiyev	Даромадларни қайта тақсимлаш жараёнларини тартибга солишнинг фискал воситалари	498–504



ДАРОМАДЛАРНИ ҚАЙТА ТАҚСИМЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ФИСКАЛ ВОСИТАЛАРИ

Хажиев Бахтиёр Душабоевич

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди

Аннотация. Ушбу мақолада даромадларни қайта тақсимлаш жараёнларини тартибга солишнинг фискал воситалари, яъни, солиқлар, уларнинг тақсимот жараёнларидаги ўрни ва роли, ўзгариш тенденциялари ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсири ёритилган.

Калит сўзлар. тақсимот, бирламчи ва иккиламчи тақсимлаш жараёнлари, даромад, солиқлар, тўғри ва эгри солиқлар, бюджет, профицит, дефицит.

ФИСКАЛЬНЫЕ ИНСТРУМЕНТЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ ПРОЦЕССОВ ПЕРЕРАСПРЕДЕЛЕНИЯ ДОХОДОВ

Хаджиев Бахтиёр Душабоевич

Ташкентский государственный экономический университет
доцент, кандидат экономических наук

Аннотация. В данной статье описаны фискальные средства регулирования процессов перераспределения доходов, то есть налоги, их место и роль в процессах распределительных отношений, тенденции изменения и влияние на социально-экономическое развитие страны.

Ключевые слова. распределение, первичные и вторичные распределительные процессы, доходы, налоги, прямые и косвенные налоги, бюджет, профицит, дефицит.

FISCAL INSTRUMENTS FOR REGULATING PROCESSES OF INCOME REDISTRIBUTION

Khajiev Bakhtiyor Dushaboevich

Tashkent State University of Economics
associate professor, candidate of economic sciences

Abstract. This article describes the fiscal means of regulating the processes of income redistribution, that is, taxes, their place and role in the processes of distribution relations, trends in change and impact on the socio-economic development of the country.

Key words. distribution, primary and secondary distribution processes, income, taxes, direct and indirect taxes, budget, surplus, deficit.

Кириш:

Халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодиётни шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлашда даромадларни қайта тақсимлашнинг фискал воситаларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли “Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисида”ги қарорида “Фискал барқарорликни таъминлаш ва давлат мажбуриятларини самарали бошқариш, бунинг учун консолидациялашган бюджет тақчиллигини 2024 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 4 фоиздан ва келгуси йилларда 3 фоиздан паст бўлган миқдорда бўлишини таъминлаш, «Яширин иқтисодиёт»ни қисқартириш орқали солиқ базасини қўшимча кенгайтириш имкониятидан фойдаланиш” вазифалари қўйилган. Мазкур устувор вазифаларга эришишда даромадлар тақсимотини самарали амалга ошириш ва уларни тартибга солиш механизмини такомиллаштириш зарур.



Методология:

ЯИМ тақсимланиши ва қайта тақсимланишининг маълум бир кетма-кетлиги мавжуд бўлиб, уларни шартли равишда бир нечта босқичларга ажратиш мумкин. Ушбу босқичларнинг ҳар бирида иқтисодиёт ва унинг алоҳида тармоқлари ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар шаклланади.

Таҳлил ва натижалар:

Қайта тақсимот жараёнининг биринчи босқичида корхоналар миқёсида амортизация фонди (*AF*) шаклланади. Макроиқтисодий нуқтаи назардан қараганда, жамиятда истеъмол қилинган капиталнинг ўрнини босиш жараёни содир бўлади. Ушбу компенсация ялпи ички маҳсулотдан чегириб ташланганидан кейин соф ички маҳсулот (*SIM*) ҳосил бўлади:

$$SIM = YaIM - AF \quad (1)$$

SIM янги яратилган маҳсулот бўлиб, у маълум бир йил давомида ишлаб чиқарилган, барча ҳаражатлардан ҳоли бўлган маҳсулотни акс эттиради.

Қайта тақсимот жараёнининг иккинчи босқичида *SIM* эгри солиқлар (*ES*) миқдорига камаяди. Натижада, миллий даромад (*MD*) қиймати шаклланади:

$$MD = SIM - ES \quad (2)$$

Билвосита солиқлар фақатгина бозорда сотиладиган товарлар нархига қўшимча устама бўлганлиги сабабли, *SIM* ва *MD* қиймати бир-бирига тенг бўлиб, йил давомида бутун мамлакат бўйлаб яратилган янги қиймат сифатида намоён бўлади.

Қайта тақсимот жараёнининг учинчи босқичида *MD* иқтисодиёт субъектлари даромадларини шакллантирувчи омилларга тақсимланади. Булар иш ҳақи (*IH*), мулкдан даромад (*MKD*), ижара даромади (*ID*), фоиз (*F*), корпоратив фойда (*KF*) дан иборат бўлади. Миллий даромаднинг бир қисми дивидендлар шаклида мулкдорларга тақсимланади. Қолган қисми ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун корхона ихтиёрида қолади.

Шундай қилиб, миллий даромад даромадларни шакллантирувчи омиллар йиғиндиси сифатида намоён бўлади:

$$MD = IH + MKD + ID + F + KF \quad (3)$$

Қайта тақсимот жараёнининг тўртинчи босқичида даромадларни шакллантирувчи омилларнинг бир қисми давлат томонидан белгиланган солиқлар, ижтимоий суғурта ва суғурта фондларига мажбурий тўловлар шаклида тақсимланади. Шубилан бирга, ушбу маблағлар ҳисобидан давлат фуқароларнинг айрим тоифаларига пенсия, стипендия, нафақалар каби кўринишдаги трансферт тўловларини амалга оширади. Шу тарзда миллий даромаднинг қайта тақсимланиши содир бўлади, яъни, айрим даромадлардан чегирма (*CH*) қилинади ва у иқтисодиётнинг бошқа субъектлари даромадларига (*D*) қўшилади. Натижада фуқароларнинг шахсий даромадлари (*SHD*) шаклланади:

$$SHD = MD - CH + D \quad (4)$$

Қайта тақсимот жараёнининг бешинчи босқичида турли манбалардан олинган шахсий даромадлар яна солиққа (*DS*) тортилади ва фуқаролар ихтиёрида қоладиган ҳамда ўзлари тасарруф қиладиган даромадга (*ID*) эга бўладилар:

$$ID = SHD - DS \quad (5)$$

Қайта тақсимот жараёнининг якуний босқичида фуқаролар ихтиёридаги даромад (*ID*) икки қисмга, яъни, истеъмолга (*Ist*) ва жамғармага (*J*) бўлинади:

$$ID = Ist - J \quad (6)$$

Фуқароларнинг истеъмолга тақсимланадиган даромадлари ЯИМ таркибига кирувчи турли хил товарларни сотиб олишга сарфланади. Жамғариш эса, банкларда сақланади ва ЯИМнинг моддий таркибига кирувчи инвестиция товарларини сотиб олиш йўналтирилади. Демак, турли даромадларнинг шаклланиши жараёнида ЯИМ тақсимоти билан бир қаторда унинг жисмоний тақсимланиши ва истеъмол қилиниши ҳам амалга оширилади. Натижада, ЯИМ эскириш, истеъмол



► Makroiqtisodiyot

қилиш ва жамғариш учун бизга таниш бўлган маблағлар шаклида қўлланилади, кейинчалик уни тақсимлаш билан янги ЯИМни ишлаб чиқаришга зарурати туғилади ва бу жараён шундай давом қилаверади. Келтирилган босқичлар ЯИМ тақсимотининг барча йўналишлари ва улар амалга оширилишининг кетма-кетлигини изчил акс эттиради.

Мазкур илмий тадқиқотнинг асосий мақсади миллий даромаднинг тақсимланишида давлат бюджетининг шаклланиши, тақсимланиши ва қайта тақсимланиши бўлганлиги сабабли, асосий эътиборни ушбу жараёнларда бирламчи аҳамиятга эга бўлган солиқли ва солиқсиз даромадларга қаратиш мақсадга мувофиқ.

Бюджет даромадлари солиқли ва солиқсиз даромадлар ҳамда беғараз пул ўтказмаларидан иборат.

Бюджет даромадлари ҳисобидан давлатнинг ўз вазифасини бажариши учун барча харажатларни амалга оширилади. Турли мамлакатларда давлат харажатларининг ялпи миллий даромаддаги улуши сезиларли фарқланади. (1-жадвал).

1-жадвал

G20 га кирувчи баъзи мамлакатлар ва Ўзбекистон Республикасида ЯИМга нисбатан бюджет харажатларининг улуши¹ (%да)

Мамлакат	2022 йил	2021 йил
Франция	62,1	55,4
Италия	57,3	48,6
Евро Худуд	54,1	47,0
Испания	52,3	42,1
Буюк Британия	52,0	39,1
Германия	51,1	45,2
Голландия	48,1	42,0
АҚШ	44,0	35,7
Япония*	38,7	38,3
Швейцария	36,2	31,5
Жанубий Корея**	31,1	30,3
Австралия	27,7	24,5
Ҳиндистон	17,6	13,2
Ўзбекистон***	30,3	26,7

* 2020 йил маълумотлари, ** 2021 йил маълумотлари, *** 2022 йил маълумотлари

Юқоридаги жадвал маълумотлари ялпи ички маҳсулот тақсимланишида фискал воситаларнинг ўрни ва роли нақадар муҳимлигини кўрсатади.

Давлат бюджетининг асосий қисми, яъни 80-90% солиқлар ҳисобидан шаклланганлиги сабабли, ушбу иқтисодий категорияга оид жараёнларнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

Солиқлар миллий даромаднинг хўжалик субъектлари ва аҳолидан умумдавлат эҳтиёжлари учун ундириладиган қисмидир.

Солиқли даромадларнинг асосий манбаси янгидан яратилган қиймат ва уни бирламчи тақсимлаш, шунингдек, жамғариш натижасида олинган даромадлар (фойда, иш ҳақи, қўшилган қиймат, ссуда фоизи, рента, дивидендлар ва бошқалар) дир.

Солиқлар қуйидаги белгилар бўйича таснифланади:

- ҳокимият органларининг ваколат даражасига кўра (давлат, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар);
- зиммага юкланишига кўра (тўғри ва эгри солиқлар);
- тўланиш манбасига кўра (товар нархининг ошиши, маҳсулот таннархи ошиши, молиявий натижалар, соф фойдага нисбатан солиқлар);
- ундирилиш даврийлигига кўра (мунтазам ва номунтазам солиқлар);
- солиқ солиш объектига кўра (даромад, капитал, ер, хўжалик обороти, алоҳида товарлар);

¹ <https://ru.tradingeconomics.com/country-list/government-spending-to-gdp?continent=g20>

- солиқ тўловчиларга кўра (жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқлар, юридик шахслар томонидан тўланадиган солиқлар, шунингдек аралаш – жисмоний ва юридик шахслар томонидан тўланадиган солиқлар);

- бошқа солиқлар².

Бюджетнинг солиқсиз даромадлари асосан давлатнинг иқтисодий фаолияти ва бюджет тизимининг турли даражаларида олинган даромадларнинг қайта тақсимланиши натижасида пайдо бўлади³. Кўпгина солиқсиз даромадлар доимий фискал хусусиятга эга эмас ва уларнинг қатъий белгиланган ставкаси ўрнатилмайди.

Бюджетнинг солиқсиз даромадлари қуйидаги белгиларга кўра таснифланади:

- ҳудудий белги, яъни, бюджетнинг белгиланган даражаси бўйича;

- жалб қилиш ва шакллантириш хусусиятига кўра (мажбурий ва ихтиёрий);

- солиқсиз тушумларни шакллантирувчи, тўловларни ундириш учун асос яратиш белгисига кўра (давлат мулкани сотишдан келиб чиққан даромад).

Бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатлар бюджетининг даромадларида солиқлар устувор ўринга эгадир. Ҳозирги кунда дунё мамлакатларида солиқлар бюджет тушумларининг 80-90% ни ташкил этади ва Ўзбекистонда ҳам шундай.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида солиқ деб, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади.

Бошқа мажбурий тўловлар деганда, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий пул тўловлари, божхона тўловлари, шунингдек, ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни тўловчиларга нисбатан амалга ошириш учун, шу жумладан муайян ҳуқуқларни ёки лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш учун тўланиши лозим бўлган йиғимлар, давлат божи тушунилади .

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг унсурлари солиқ солиш объекти, солиқ базаси, солиқ ставкаси, солиқ даври, солиқни ҳисоблаб чиқиш тартиби, солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби, солиқни тўлаш тартибидан иборат⁴.

Ҳар бир солиқ ёки бошқа мажбурий тўловга татбиқан солиқ тўловчилар ва солиқларнинг унсурлари белгиланади. Солиқ солиш объекти солиқ тўловчида солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов ҳисоблаб чиқарилиши ва (ёки) тўланиши юзасидан мажбурият келтириб чиқарувчи мол-мулк, ҳаракат натижасидир.

Солиқ солинадиган база солиқ солиш объектининг солиқ ёки бошқа мажбурий тўловнинг ставкасига татбиқан белгиланган кўрсаткичлардаги қиймат, миқдор, физик ва бошқа тавсифларини ифодалайди.

Ставка солиқ солинадиган базанинг ўлчов бирлигига нисбатан ҳисобланадиган фоизлардаги ёки мутлақ суммадаги миқдорни ифодалайди. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари агар Солиқ кодексида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловни ҳисоблаб чиқиш тартиби солиқ даври учун солиқ солинадиган базадан, ставкадан, шунингдек, имтиёзлар мавжуд бўлса, шу имтиёзлардан келиб чиқиб, солиқ ва бошқа мажбурий тўлов суммасини ҳисоблаш қоидаларини белгилайди. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқиш солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда амалга оширилади. Солиқ даври у тугаганидан кейин солиқ солинадиган база аниқланадиган ҳамда солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси ҳисоблаб чиқиладиган даврдир. Солиқ даври бир неча ҳисобот даврига бўлиниши мумкин бўлиб, уларнинг якунлари бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг

² Рылов В.А. Гармонизация экономических интересов субъектов распределительных отношений в целях достижения макроэкономической стабильности // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. –Казань. 2020. -48 стр.

³ Ўша ерда.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири). <https://lex.uz/docs/4674902>



► Makroiqtisodiyot

тўланиши лозим бўлган суммаларини тўлаш мажбурияти юзага келади. Қонунчиликда назарда тутилган, бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан, солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўлов тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар деб, эътироф этилади⁵.

Қайта тақсимот жараёнлари натижасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари икки манба, яъни, давлат мақсадли жамғармалари ҳисобга олинмаган даромадлар ва давлат мақсадли жамғармалари даромадларидан шаклланади. Булар қуйидаги солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлардан иборат:

- Солиқлар (қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, фойда солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, фойдали қазилмаларни қазиб олганлик учун махсус рента солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ижтимоий солиқ);

- Йиғимлар (чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғим, алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш ҳуқуқи учун йиғимлар, жумладан, алкоголь маҳсулотларини чакана сотиш ҳуқуқи учун йиғим, умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш учун йиғим);

- Бошқа мажбурий тўловлар (ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар (ягона ижтимоий тўлов, фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар), давлат божи, божхона тўловлари).⁶

Таҳлилларимиз республикада давлат бюджети даромадлари шаклланишида барча солиқ турларининг ўрни ва роли сезиларли эканлигини кўрсатди (2-жадвал).

2-жадвал.

2020-2022 йилларда давлат бюджети даромадларининг шаклланиши⁷ (млрд сўм)

	2020 й.		2021 й.		2022 й.		Ўсиш 2022/ 2020
	сумма	салмоғи	сумма	салмоғи	сумма	салмоғи	
Давлат бюджети даромадлари	112 165		132 938		164 681		146,8
шу жумладан:							
1. Билвосита солиқлар - жами	46 429	41,4	46 428	34,9	56 292	34,2	121,2
1.1. Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС):	33 810	30,1	31 177	23,5	38 439	23,3	113,7
- ҚҚС бўйича тушумлар	37 055	33,0	40 224	30,3	52 856	32,1	142,6
- ҚҚС бўйича қоплаш	-3 245	-2,4	-9 046	-6,8	-14 417	-8,8	444,3
1.2. Акциз солиғи	10 316	9,2	11 697	8,8	13 088	7,9	126,9
1.3. Божхона божи	2 303	2,1	3 554	2,7	4 765	2,9	206,9

⁵ Ўша манба

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири). <https://lex.uz/docs/4674902>

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири). <https://lex.uz/docs/4674902>





2. Бевосита солиқлар - жами	31 677	28,2	45 207	34,0	58 930	35,8	186,0
2.1. Фойда солиғи	16 361	14,6	28 712	21,6	38 363	23,3	234,5
2.2. Айланмадан олинадиган солиқ	1 989	1,8	1 354	1,0	1 649	1,0	82,9
2.3. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	13 327	11,9	15 141	11,4	18 918	11,5	141,9
3. Ресурс ва мол-мулк солиғи	19 681	17,5	21 257	16,0	23 036	14,0	117,1
3.1. Мол-мулк солиғи	2 360	2,1	1 974	1,5	2 457	1,5	104,1
3.2. Ер солиғи	2 313	2,1	2 387	1,8	4 083	2,5	176,5
3.3. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	14 693	13,1	16 417	12,3	15 812	9,6	107,6
3.4. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	314	0,3	479	0,4	684	0,4	217,6
4. Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар	14 379	12,8	20 046	15,1	26 423	16,0	183,8

2-жадвал маълумотлари охириги уч йил билвосита солиқларнинг улуши (2022 йилда - 34,2%) Давлат бюджети даромадлари таркибида 2020 йилдан бошлаб жиддий қисқарганлигини кўрсатади. Бунинг асосий сабаблари ҚҚС ставкасининг 20%дан 15%гача пасайтирилиши, ҚҚСни ҳисобга олиш ва қоплашнинг тўлақонли тизимининг жорий қилиниши, импортга акциз солиғи бўйича ноль даражали ставкаларнинг жорий этилиши ҳисобланади. Бевосита солиқларнинг улуши эса ўсиш тенденциясига эга бўлган (2022 йилда - 35,8%). Бунинг асосий сабаблари бўлиб “НКМК” АЖ ва “ОКМК” АЖ бўйича бюджетга тушумнинг ошиши (қимматбаҳо ва рангли металлларга жаҳон нархининг ва реализациянинг ўсиши ҳисобига), фойда солиғи ставкасининг 14%дан 15%гача ошиши ҳисобланади. Ресурс солиқларининг улуши эса, пасайиш тенденциясига эга бўлган (2022 йилда - 14%). Бунга сабаб ер қаъридан фойдаланганлик учун ва юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаларининг пасайиши ҳисобланади. Бошқа даромадлар ўсиш тенденциясига эга бўлган (2022 йилда - 16%). Бунга “НКМК” АЖ ва “ОКМК” АЖдан дивидендлар бўйича бюджетга тушумнинг ошиши таъсир қилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги қарори // <https://lex.uz/docs/6600413>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu>
3. Аронов А.В., Кашин В.А. Налоги и налогообложение. -М.: ИНФРА-М. 2004. -с.40.
4. [Блауг М.](#) Джон Стюарт Милль Экономическая мысль в ретроспективе. - М.: [Дело](#). 1994. -с. 164-206. -ISBN 5-86461-151-4.



► Makroiqtisodiyot

5. Быкова А.Ю., Тикшаева Л.В. Прогрессивная шкала налогообложения как инструмент сокращения неравенства доходов населения // *Налоги и налогообложение*. –М.: 2016. № 5. -с. 393-401.
6. Горский И.О. О признаках налога в Налоговом кодексе Российской Федерации.//*Финансы* 2004№9.С.33
7. Пансков В.Г. *Налоги и налогообложение в Российской Федерации*. -М.: ЭКСМО. 2002. -с.73
8. Пушкарева В.М. *История финансовой мысли и политики налогов*. -М.: Финансы и статистика. 2003. -с.116
9. Ronald Hamowy *The Encyclopedia of Libertarianism* // *The London*. 1937 // <https://books.google.co.uz/books?id=yxNgXs3TkJYC&printsec=frontcover&hl=ru#v=onepage&q&f=false>
10. Bigsten A., Levin J. *Growth, Income Distribution, and Poverty: A Review* // WIDER Discussion Paper 129. World Institute for Development Economics research (WIDER), Helsinki, November 2001





MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI

<https://laboreconomics.uz>

MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI 2023-yil Maxsus son

ЭКОНОМИКА ТРУДА И ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ

LABOR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL

laboreconomics.uz

Muharrirlar:

Yaxshiyev H.T.

Matxo'jayev A.O.

Musahhih:

Kamilova D.J.

Tehnik muharrir:

Mirzayev J.O'.

Litsenziya AI № 2537 08.02.2022 y. Bosishga ruxsat etildi 19.10.2023.
Qog'oz bichimi 60x84 1/8. Shartli bosma tabog'i 31,6. Raqamli bosma.
Adadi 50 nusxa. №16/10-2023 - sonli buyurtma.

“Zarafshon Foto” MCHJning matbaa bo'limida chop etildi.
100164, Toshkent sh., Mirzo Ulug'bek tumani, Shahriobod ko'chasi, 3-uy.

CONFERENCE "GLOBAL AND NATIONAL ECONOMIC TRENDS" 19-20 OCTOBER

1st DIRECTION: TRENDS AND PROSPECTIVE DIRECTIONS OF GLOBAL ECONOMIC DEVELOPMENT.

CONFERENCE "GLOBAL AND NATIONAL ECONOMIC

TRENDS"

19-20 OCTOBER 2023

TASHKENT STATE

UNIVERSITY OF ECONOMICS,

TASHKENT, UZBEKISTAN

ФОРУМ

ICFNDS and ICDSIS"

"NEW2AN,

Parallel conferences

CONFERENCE

DEVELOPMENT STRATEGY:

GLOBAL ECONOMIC TRENDS

"IFRS" ФОРУМ

TASHKENT STATE

UNIVERSITY OF ECONOMICS

ЎНАЛИШ: ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЎНАЛИШЛАРИ. "Глобал ва миллий иқтисодиёт трендлари" номли конференция

"IFRS" НОМЛИ КОНФЕРЕНЦИЯ

CONFERENCE "GLOBAL AND NATIONAL ECONOMIC TRENDS"

PARALLEL CONFERENCES

"NEW2AN AND ICDSIS"

AND ICDSIS"



- Conditions for improvement
- Corporate Accounting
- Institutional problems
- Training personnel for the future
- Business environment
- Digital technologies

CONFERENCE

"S" CONFERENCE "GLOBAL AND NATIONAL ECONOMIC TRENDS" 19-20 OCTOBER



100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko'chasi, 49-uy.

+998 99 881-86-98

ilmiymaktab@gmail.com

www.laboreconomics.uz

ФОРУМ

- Gender Equality
- Industry 4.0
- Sustainable Agricultural Development

- Digital
- Green
- Environmental
- Alternative
- Artificial